

Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида “Ватанимиз байроғи фахримиз - ғуруримиз!” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси “Давлат байроғи” қабул қилинганлигининг 29 йиллиги барча вилоятларимизда кенг нишонланди. Шу жумладан Сурхондарё вилоятимизнинг Термиз шаҳридаги осмонўпар флагштокка ўрнатилган байроқ остида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирда Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали директори Э.А.Бердиев, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ҳамда талабалар фаол қатнашишди.



Қолаверса ТТА Термиз филиалида ҳам Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ҳамда ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси ҳамкорлигида Давлатимиз байроғи қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир утказилди. Ушбу тадбирда профессор ўқитувчилар, талабалар ўз маърузалари билан қатнашишди.



Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолатдир. Шундай экан, қадримиз тимсолини ҳамиша эъзозлайлик ва бошимиз узра баланд кўтарайлик!